
“Оққўрғон” маҳалла фуқаролар йиғинида ичимлик сув қудуғи қазилиб, сув минораси ўрнатилмоқда

Қува туманида қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси ва газ таъминотини, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрда қабул қилинган “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ҳудудларда салмоқли ишлар бошлаб юборилди.

Тумандаги “Оққўрғон” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва бу орқали аҳолига қулайлик яратиш мақсадида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Мазкур маҳалла фуқаролар йиғинида сув қудуғи қазилиб, тоза ичимлик суви чиқарилмоқда. Бундан ташқари, қишлоқ ҳудудида 1 та сув минораси ўрнатилиб, 4 км ичимлик суви тармоғи тортилади. Мазкур ишлар натижасида ҳудуддаги 200 дан ортиқ хонадонга тоза ичимлик суви кириб боради.

2023-02-22 19:45:34